

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/10.12.2019.Т.03.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ДЖУРАЕВ КУРБОН САЛИХДЖАНОВИЧ

**ГИДРОАККУМУЛЯЦИОН ЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАР
ПАРАМЕТРЛАРИНИ ТАНЛАШ ВА АСОСЛАШ ҲАМДА УЛАРДАН
ЎЗБЕКИСТОН ЭНЕРГЕТИКА ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ТИЗИМИДА
Фойдаланиш шартлари**

05.05.06 – Қайта тикланадиган энергия турлари асосидаги энергия қурилмалари

**ТЕХНИКА ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of the Dissertation Abstract of Philosophy of Doctor (PhD)
on technical sciences**

Джураев Курбон Салихджанович

Гидроаккумуляцион электр станциялар параметрларини танлаш ва асослаш ҳамда улардан Ўзбекистон энергетика ва сув хўжалиги тизимида фойдаланиш шартлари..... 3

Джураев Курбон Салихджанович

Выбор и обоснование параметров гидроаккумулирующих электростанций и условий их использования в энерговодохозяйственной системе Узбекистана 23

Dzhuraev Kurbon Salikhdzhanovich

Selection and justification of the parameters of pumped storage power plants and the conditions for their use in the energy and water management system of Uzbekistan..... 43

Эълон қилинган ишлар руйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/10.12.2019.Т.03.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ДЖУРАЕВ КУРБОН САЛИХДЖАНОВИЧ

**ГИДРОАККУМУЛЯЦИОН ЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАР
ПАРАМЕТРЛАРИНИ ТАНЛАШ ВА АСОСЛАШ ҲАМДА УЛАРДАН
ЎЗБЕКИСТОН ЭНЕРГЕТИКА ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ТИЗИМИДА
Фойдаланиш шартлари**

05.05.06 – Қайта тикланадиган энергия турлари асосидаги энергия қурилмалари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Г774 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мухаммадиев Мурадулла Мухаммадиевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар:

Авезова Нилуфар Раббонакуловна
техника фанлари доктори, етакчи илмий ходим

Елистратов Виктор Васильевич
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Диссертация химояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.03/10.12.2019.T.03.03 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «30» Октябрь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент ш., Университет кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@tdtu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (220 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент ш., Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 246-03-41.

Диссертация автореферати 2021 йил «15» Октябрь куни таркатилди.
(2021 йил «19» Октябрь даги 5 рақамли реестр баённомаси).



Қ.Р. Аллаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, академик,
техника фанлари доктори, профессор

О.Х. Ишназаров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
техника фанлари доктори, профессор

Р.П. Бабаходжаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси,
техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ноанъанавий ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда энергияни диверсификациялаш масалаларида гидроаккумуляцион электр станциялар ҳисобига электр энергетика тизимларини интеграциялаш орқали мазкур тизимда ишончилиликни, барқарорлиликни ва юқори манёврчанлиликни ошириш усулларини ва техник ечимларини ишлаб чиқишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда «...гидроаккумуляцион электр станцияларнинг фойланилмаган улкан потенциални акс эттирувчи ташлаб қўйилган конларда, ер ости ғорларида, энергетик бўлмаган тўғонларда ва анъанавий гидроэлектр станцияларда гидроаккумуляцион электр станциялардан фойдаланиш бўйича тадқиқотлар тобора кўпайиб бормоқда»¹. Бу борада, жумладан гидроаккумуляцион тизимлар иш режимларини такомиллаштиришга ҳамда улар ёрдамида электр энергетика тизими ва қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги энергоқурилмалар самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда гидроаккумуляцион тизимларининг энергетик, иқтисодий ва экологик самарадорлигини ошириш усулларини такомиллаштириш, гидроаккумуляцион электр станциялар иш режимларини такомиллаштириш усулларини ишлаб чиқиш орқали электр энергия ва ресурс сарфларини камайтиришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан гидроаккумуляцион тизимлар самарадор технологик схемаларини ишлаб чиқиш орқали электр энергетика ва қайта тикланувчи манбалар асосидаги тизимлар манёврчанлигини, ишончилигини ва барқарорлигини аниқлаш ва баҳолаш бўйича тадқиқотлар устивор ҳисобланади. Шу билан бирга, гидроаккумуляцион тизимларнинг энергия-гидравлик ва режим параметрларини ҳамда техник-иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш ва баҳолаш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Республикамизда қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланиш учун янги техник ва технологик ечимларни яратиш усуллари ва инновацион ишланмаларни такомиллаштириш ва жорий этишга доир кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, гидроаккумуляцион электр станциялар ёрдамида электр энергетика тизимлари ишининг манёврчанлигини, ишончилигини ва

¹ Гидроэнергетиканинг 2020 йилдаги ҳолати ҳақида ҳисобот, International Hydropower Association. https://www.hydropower.org/sites/default/files/publications-docs/2020_hydropower_status_report.pdf

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони <https://lex.uz/docs/3107042>

барқарорлигини ошириш бўйича, жумладан гидроаккумуляцион электр станцияларнинг энергетик, иқтисодий ва экологик самарадорлигини оширишга асосланган ва улардан Ўзбекистоннинг энергетика ва сув хўжалиги тизимида фойдаланиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг энергия-гидравлик ва режим параметрларини ҳамда техник-иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш ва асослаш масалаларини ечишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 26 майдаги «2017–2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги ПҚ-3012-сон ва 2017 йил 2 майдаги «2017–2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги ПҚ-2947-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши бўйича тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг IV–«Қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш усулларини ривожлантириш, нанотехнологиялар, фотоника ва бошқа замонавий илғор технологиялар асосида қурилмалар ва технологияларни яратиш» устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Гидроаккумуляцион электр станцияларини лойиҳалашда ва қуришда уларнинг турли параметрларини аниқлаш ва асослаш ҳамда электр энергетика тизимлари ва қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги энергетик тизимларнинг ишончилиги, барқарорлиги, манёврчанлиги ва иқтисодий самарадорлигини ошириш учун улардан оптимал фойдаланиш, бундан ташқари, қайта тикланадиган манбалар учун гидравлик энергияни сақлашнинг оптимал схемаларини ва уларнинг энергетик ва экологик жиҳатларини аниқлаш имконияти, шунингдек, турли иқлим шароитларида улардан фойдаланиш масалаларига қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг кўплаб етакчи илмий-тадқиқот марказлари ва олий ўқув юртларида, хусусан: Energy Storage Association (АҚШ), California Energy Storage Alliance (АҚШ), China Energy Storage Alliance (Хитой), India Energy Storage Alliance (Ҳиндистон), Energy Storage Canada (Канада), Birmingham Energy Institute (Англия), Мадрид техника университети (Испания), Миллий қайта тикланувчи энергияси лабораторияси – NREL (АҚШ), Department of Energy's Global Energy Storage Database (АҚШ), Energy Research Institute (Хитой), Токио технология институти (Япония), Москва энергетика институти (Россия), Санкт-Петербург политехника университети (Россия) ва бошқаларда амалга оширилмоқда.

Гидроаккумуляцион электр станцияларнинг техник-иқтисодий параметрларини аниқлаш бўйича умумий қабул қилинган усулларни ишлаб чиқиш, гидравлик энергияни тўплаш учун насос қурилмаси ва сув ҳавзалари параметрларини оптималлаштириш бўйича ҳисоблаш, лойиҳалаш усуллари ва турли энерготизимларда қўллашнинг аҳамияти каби масалаларни ҳал қилишда бир қатор таниқли хорижий олимлар катта ҳисса қўшганлар, жумладан Vlaabjerg F., Consoli A., Ferreira J., Van Wyk J., Connolly D., MacLaughlin S., Leahy M., Young Brown P.D., Pecas Lopes J.A., Matos M.A., Васильев Ю.С., Федоров М.П., Елистратов В.В., Бальзанников М.И., Претро Г.А., Шейнман Л.Б., Кулешов Н.Р., Мирошникова Ю.А., Родионов В.Г., Синюгин В.Ю., Шульгинов Р.Н. ва бошқалар.

Гидроэнергетик қурилмалардан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон электр энергетика тизимларининг ишончилиги ва манёврчанлигини асослаш, насос станцияларида ва мавсумий тартибга солиш сув омборларида гидроаккумуляцион электр станциялардан фойдаланиш жараёнларини математик моделлаштириш, республикада гидроаккумуляцион электр станцияларга эга гидроэнергетик комплексларни яратиш каби илмий муаммоларни ҳал қилишда маҳаллий олимларимиздан Аллаев К.Р., Гловацкий О.Я., Захидов А.З., Захидов Р.А., Мухаммадиев М.М., Уришев Б.У., Клычев Ш.И. ва бошқалар томонидан ҳам кўплаб тадқиқотлар ўтказилган ҳамда салмоқли натижаларга эришилган.

Сезиларли муваффақиятларга қарамасдан, бугунги кунгача республика электр энергетика тизимларини диверсификация қилиш мақсадида мамлакатнинг умумий энергия балансида гидроаккумуляцион электр станцияларлардан электр энергетика тизимлари учун маневрчан манба ва қайта тикланувчи энергия манбалари учун аккумулятор сифатида қўшимча энергия манбаларини ҳосил қилиш мақсадида паст напорга эга сув хўжалиги тизимларида гидроаккумуляцион электр станциялардан фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда етарли даражада ўрганилмаган. Мазкур диссертация ишида Ўзбекистоннинг мавжуд энергетика ва сув хўжалиги тизимлари асосидаги гидроэнергокомплекслар таркибида гидроаккумуляцион электр станциялардан фойдаланиш таклиф этилган ҳамда электр энергетика ва қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги тизимлар учун манёврчан манба сифатида самарали фойдаланиш учун уларнинг энергетик ва гидравлик, режим, техник-иқтисодий ва ресурс кўрсаткичлари кўриб чиқилган ва ечимлари таклиф этилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент Давлат техника университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ А-4-24 «Кичик қувватли гидроаккумуляцион электр станцияларни қўллаш орқали қайта тикланувчи гидравлик энергиядан фойдаланишнинг самарадор технологияларини ривожлантириш ва ишлаб чиқиш» (2014–2017) мавзусидаги амалий ва ОТ-ФЗ-15 «Гидроаккумуляцион электростанцияларни қўллаган ҳолда қайталанувчан сув энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш

бўйича илмий ёндошув ва назарий ҳолатларни ривожлантириш» (2017–2020) ва F-OT-2021-235 «Гидроэнергетикани ривожлантиришда гидроэнергетик комплекслардан фойдаланишнинг назарий асослари» (2021-2025) мавзусларидаги фундаментал илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади гидроаккумуляцион электр станциялардан электр энергетика ва қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги тизимлар учун манёврчан манба сифатида фойдаланишнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг параметрларини танлаш ва асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

гидроаккумуляцион электр станциялардан самарали фойдаланиш ва яратиш учун Ўзбекистон энергетика ва сув хўжалиги тизимларини таҳлил қилиш;

энергетика ва сув хўжалиги тизимида гидроаккумуляцион электр станцияларнинг энергия ва гидравлик характеристика кўрсаткичларини ҳамда режим параметрларини аниқлаш методикасини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон энергетика ва сув хўжалиги тизимида режалаштирилаётган гидроаккумуляцион электр станцияларнинг башорат қилинган техник-иқтисодий кўрсаткичларини баҳолаш методикасини такомиллаштириш;

Ўзбекистон электр энергетика тизимининг манёвр манбаи сифатида энергетика ва сув хўжалиги объектларида гидроаккумуляцион электр станцияларни ишлаб чиқиш ва лойиҳалаштириш учун илмий асосланган дастлабки маълумотларини ишлаб чиқиш;

гидроаккумуляцион электр станцияларда Банки турбинасидан турбина режимида ва марказдан қочма насосдан иккита режимда (турбина ва насос) фойдаланиш имкониятларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида электр энергетика ва қайта тикланувчан энергия манбалари асосидаги тизимлар учун манёвр манбаи сифатида энергетика ва сув хўжалиги тизимидаги гидроаккумуляцион электр станциялар олинган.

Тадқиқотнинг предмети гидроаккумуляцион электр станцияларнинг энергетик ва гидравлик характеристикалари кўрсаткичлари ва режим параметрларини аниқлаш усуллари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишида гидроаккумуляцион электр станцияларнинг параметрларини танлаш ва асослаш учун математик моделлаштириш усуллари, гидроаккумуляцион электр станцияларнинг энергетик ва гидравлик характеристикалари кўрсаткичлари, шунингдек режим параметрларини аниқлашнинг аналитик ва графикли таҳлил усуллари, тажриба натижаларини қайта ишлаш усуллари, лойиҳани техник-иқтисодий баҳолаш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

гидроаккумуляцион электр станциясининг технологик схемаси кунлик ва мавсумий иш режимларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган;

гидроаккумуляцион электр станциясининг асосий параметрлари ва иш режимларини ҳисоблаш усули паст напорли шароит учун такомиллаштирилган;

гидроаккумуляцион электр станциянинг конструкцияси гидротаран асосида такомиллаштирилган ва гидротараннинг чегаравий фойдали иш коэффициенти сув кўтариш баландлигига боғлиқ бўлмаган ҳолда 75% га тенглиги аниқланган;

паст напорли гидроаккумуляцион энергетик қурилманинг турбина режимида Банки турбинасидан фойдаланиш самарадорлиги экспериментал тадқиқотлар асосида исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

электр энергетика ва қайта тикланувчан энергия манбалари асосидаги тизимларда сув ресурслари салоҳиятининг ўзгарувчанлигини ҳисобга олган ҳолда гидроаккумуляцион электр станциянинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаш усули такомиллаштирилган;

гидроаккумуляцион электр станциянинг асосий режим параметрлари ўзгаришига боғлиқ ҳолда уларнинг энергетик ва гидравлик параметрларини ҳисоблаш услубияти ишлаб чиқилган;

гидроаккумуляцион электр станциянинг насос режимидаги иш самарадорлигини ошириш имконини берувчи гидротаран қурилмали гидроаккумуляцион энергетик қурилманинг схемаси ишлаб чиқилган;

кичик қувватли гидроаккумуляцион электр станцияларнинг энергия-гидравлик параметрларини вақт бўйича ўзгаришни аниқлаш усули ва дастури ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги гидроаккумуляцион тизимларнинг гидравлик ва энергетик параметрларини ҳамда уларнинг иш режимлари кўрсаткичларини аниқлашнинг назарий ва амалий усуллари, шунингдек уларни техник-иқтисодий асослашнинг замонавий ёндошув ва усулларида фойдаланилганлиги, экспериментал тадқиқот натижаларининг бошқа олимлар томонидан эришилган натижаларга моҳиятан мос келиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти электр энергетика тизими ва қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги тизимлар учун манёвр манбаи сифатида самарали фойдаланиш учун гидроаккумуляцион электр станциялар параметрларини танлаш ва асослаш учун ҳисоблаш услубиятининг такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти дастлабки маълумотлар асосида республика сув ресурсларининг энергетика ва сув хўжалигидаги аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда гидроаккумуляцион электр станцияларни лойиҳалашда бевосита қўллаш ҳамда гидроаккумуляцион электр станцияларнинг такомиллашган схема ва конструкцияларини ишлаб чиқиш ва яратиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон энергетика ва сув хўжалиги тизимида гидроаккумуляцион электр станциялардан фойдаланишнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг параметрларини танлаш ва асослаш бўйича тадқиқот натижалари асосида:

гидроаккумуляцион электр станциясидан гидротаранларни қўллаш орқали фойдаланиш усули такомиллаштирилган (Интеллектуал мулк агентлигининг фойдали модел учун патенти, №FAP 01018, 15.06.2015 й.). Натижада, ишлаб чиқилган усул гидроаккумуляцион электр станциялар насос режимидаги электр энергияси истеъмолини 30 % гача камайтиришга имкон берган;

гидроаккумуляцион электр станцияларининг энергетик-гидравлик параметрларини аниқлаш усули «Гидропроект» АЖда жорий қилинган («Ўзбекгидроэнерго» АЖнинг 2020 йил 30 декабрдаги №02-14/3851-сонли маълумотномаси). Натижада, Туямўйин гидроузелида, Арнасой, Талимаржон ва Ходжикент сув омборларида гидроаккумуляцион электр станцияларни яратиш бўйича ҳисоблаш ишларида фойдаланган ва йилига қўшимча равишда 930,0 млн. кВт·соат электр энергияси ишлаб чиқаришга имкон берган;

гидроаккумуляцион электр станцияларининг энергетик-иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш дастури «Гидропроект» АЖда жорий қилинган («Ўзбекгидроэнерго» АЖнинг 2020 йил 30 декабрдаги №02-14/3851-сонли маълумотномаси). Натижада, Ўзбекистон Республикасининг тўртта энергетика ва сув хўжалиги объектларида гидроаккумуляцион электр станцияларни яратиш бўйича ҳисоблаш натижалари асосида йилига 139 минг т.ш.ё. ёқилғи ресурсларини тежашга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий натижалари 5 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 29 та илмий ишлар чоп этилган, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган хорижий журналларда 5 та ва республика журналларида 5 та мақола чоп этилган, шунингдек, 1 та дарслик, 1 та фойдали модел учун патент ва дастурий маҳсулот учун 4 та муаллифлик гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, умумий хулосалар, чоп этилган ишлар рўйхати, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 123 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотни фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, диссертация мавзуси бўйича олиб борилаётган халқаро илмий тадқиқотлар ҳақида умумий маълумот ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объектлари, предмети ва усуллари кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ёритилган, олинган

натижаларнинг ишончилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот ишнинг натижаларини жорий қилиниши ва апробацияси ҳамда диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида қисқача маълумот келтирилган.

Диссертациянинг **“Гидроаккумуляцион электростанциялардан фойдаланиш ҳолати ва истиқболлари”** номли биринчи бобида жаҳонда ва Ўзбекистонда электр энергетиканинг ривожланиш ҳолати ва истиқболлари ҳамда қайта тикланувчан энергия манбаларидан фойдаланишнинг ривожланиш тенденцияси, шунингдек, дунёда ГАЭСдан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати, Ўзбекистонда ГАЭСдан манёвр манбаи сифатида фойдаланиш истиқболлари ўрганиб чиқилган.

Ўзбекистон электр энергетика тизимлари (ЭЭС), улардаги минимал ва максимал кунлик юкланишларни қоплаш масалалари ҳамда манёврлик имкониятларини ошириш зарурлиги, бу эса жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, энергетика тизими умумий қувватининг қарийб 25% ини ташкил этиши лозимлиги кўриб чиқилган. Эксплуатацион кўрсаткичлари тажрибасини умумлаштириш орқали, манёврчан қувват бўлиб ГЭСлар ҳисобланади. Бироқ ҳозирги кунда уларнинг Ўзбекистон ЭЭТдаги улуши тахминан 13,3% ни ташкил этади.

Ўзбекистондаги ушбу энг муҳим вазифани ҳал қилиш маневрли қувват сифатида гидроаккумуляцион электр станцияларни (ГАЭС) ишлаб чиқиш ва яратиш билан боғлиқ бўлиб, бу эса юкланишларнинг ошиб кетишидаги (пик) ва тушиб кетишидаги муаммоларини ҳал қилишга, шунингдек станциялараро энергия оқимларини камайтиришга имкон беради. Айниқса, энергия ишлаб чиқаришининг нотекислиги билан ажралиб турадиган ҚТЭМга асосидаги энергетик тизимларнинг ривожланиши билан ГАЭСларнинг роли ортиб боришини ўрганиш асосида, ЭЭТ ва ҚТЭМ асосидаги тизимлар учун манёврчан манба сифатида ГАЭСлардан самарали фойдаланиш учун уларнинг параметрларини танлаш ва асослаш бўйича мақсад ва вазифалар шакллантирилган.

Диссертациянинг **«Гидроаккумуляцион электр станциялар асосий энергетик ва гидравлик параметрлари ва кўрсаткичлари характеристикаларини тадқиқ қилиш»** деб номланган иккинчи боби ГАЭСнинг асосий энергетик ва гидравлик параметрлари таҳлилига, ГАЭС параметрларини танлашнинг асосий мезонларига, Ўзбекистон Республикасининг мавжуд сув хўжалиги объектларида ГАЭС яратиш вазифаларига, ГАЭС параметрлари ва иш режимларини аниқлаш бўйича ҳисоблаш усулларини такомиллаштиришга, шунингдек, кичик қувватли ГАЭСнинг энергетик ва гидравлик параметрларини ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш ҳамда гидротараннинг чегаравий хусусиятларини аниқлашга бағишланган.

Гидроэнергетика комплекслар (ГЭК) таркибида ГАЭС параметрларини танлаш ва асослаш бўйича ГАЭСларни лойиҳалаш ва қуриш учун лойиҳа-изланиш ишларини олиб боришда капитал сарф (қоплаш муддати) билан бир

қаторда йиллик харажатларнинг ўзгарувчанлигини, шунингдек келажакда экологик омилларнинг минималлик мезонларини ҳисобга олиш лозим:

$$K_{ГЭК} = \sum_{i=1}^n K_{Э,i}; \quad (1) \quad I_{ГЭК} = I_{СХЭк} + \sum_{i=1}^n I_{Э,i}; \quad (2)$$

бунда, $I_{СХЭк}$ – сув хўжалиги объектининг экологик омиллари билан йиллик харажатлари; $K_{Э}$, $I_{Э}$ – гидроэнергетик объект бўйича капитал сарф ва йиллик харажатлар.

ГАЭС объектлари бўйича капитал сарф, йиллик харажатларнинг катталиги ва экологик омиллари тўғридан-тўғри уларнинг асосий параметрлари (напор, сув сарфи, қувват ва бошқалар) билан боғлиқ, яъни сув сарфи қийматининг ортиши ГАЭС ҳавзалари ҳажмининг ортишига олиб келади, бу эса катта майдонларнинг сув босиши билан боғлиқ бўлиб, капитал сарфнинг ортишига ва ҳудуд экологик ҳолатининг ёмонлашувига олиб келади. Бироқ, напорнинг ортиши баланд тўғонлар қуришга ва ГАЭС ишончилигини таъминлаш учун паст напорли схемаларга нисбатан кўшимча иқтисодий харажатларга олиб келади.

ГАЭСнинг асосий параметрларини аниқлашнинг асосий вазифаси капитал сарфларни $i=1...n$ объектлар ўртасида тақсимлаш ва тегишли ечим варианти $j=1...m$ ни танлашдан, шунингдек техноген хавфсизлик мезонларини ҳам ҳисобга олишдан иборат бўлади.

Маълумки, бундай ҳисоблар учун мезон³

$$Z_{ГЭК,ij} = I_{ГЭК,ij} + \lambda K_{ГЭК,ij} + \sum U_{ij} \rightarrow \min \quad (3)$$

бунда, $\sum U$ – гидроэнергетик объектларни ишга туширишда етказиладиган умумий зарар (масалан, сув йўқотилишини ортиши); λ – кўриб чиқиладиган вариантлар тўплами учун самарадорлик меъёри.

Юқоридаги мезонларга асосланиб, республикада ГАЭСларни гидроузеллар ва сув омборлар негизидаги гидроэнергетик комплекслар (ГЭК) шаклида яратиш мақсадга мувофиқлиги аниқланди.

Шундан келиб чиқиб, Туямўйин гидроузелида, Арнасой, Талимаржон ва Ходжикент сув омборларида ГАЭСга эга ГЭКларни яратиш вазифаси кўриб чиқилди (1-расм). Натижада:


- 3 та ГАЭС ва 5 та кичик ва ўрта қувватли ГЭСларга эга Туямўйин ГЭКни яратиш, электр энергиясини ишлаб чиқаришни 350 ГВт·соат/йилга оширади (1а-расм);

- 1 та ГАЭС ва 1 та ГЭСга эга Талимаржон ГЭКни яратиш, тахминан 50,0 ГВт·соат/йил электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради (1б-расм);

- 4 та ГАЭСларга эга Арнасой ГЭКни яратиш, камида 350 ГВт·соат/йил электр энергиясини ишлаб чиқариш имконини беради (1в-расм);

- 200 МВт қувватли Ходжикент ГАЭС қурилиши, 450 ГВт·соат/йилдан ортиқ электр энергиясини ишлаб чиқариш имконини беради (1г-расм).

³ Мухаммадиев М.М., Уришев Б.У. Гидроаккумуляцион электр станциялар. – Тошкент: «Фан ва технология» нашрети, 2018. 212 бет.



1-расм. ГАЭСдан фойдаланган ҳолда энергетика ва сув хўжалиги объектларида ГЭКларни яратиш схемалари:

- а) Туямўйин ГЭКси схемаси; б) Талимаржон ГЭКси схемаси;
- в) Ариасой ГЭКси схемаси; г) Ходжикент ГАЭСини жойлаштириш схемаси.

Паст босимли ГАЭСлар учун ҳозирги вақтда турбина режимидаги (ТР) ва насос режимидаги (НР) сув сарфлари ўртасида қонуниятлар ёки боғлиқликлар мавжуд эмас. Муаммони таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, бу ҳолда ТР ва НР сув сарфлари бўйича энг яқин аналоглардан фойдаланиш мумкин. Бундай ҳолда қуйидаги шартни оламиз:

$$Q_{НР} = (0,75...0,80) \times Q_{ТР} \tag{4}$$

Умуман ГАЭС ФИК бир нечта омилларга боғлиқ, асосан ТР ва НР ФИКга ($\eta_{ТР}$ ва $\eta_{НР}$), шунингдек, ГАЭС иш режимларига боғлиқ бўлган қувур ФИКга ($h_{ТР}^{кув}$ ва $h_{НР}^{кув}$) боғлиқ. Шунга асосан, ГАЭС ФИКни қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$h_{ГАЭС} = h_{ТР} \times \eta_{НР} \times h_{ТР}^{кув} \times \eta_{НР}^{кув} \tag{5}$$


Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ГАЭС ФИК $h_{ГАЭС} = 0,7 \div 0,78$ оралиғда бўлади.

Олинган боғлиқлар асосида, босимли қувур диаметрлари (D) ва ТР сув сарфлар ($Q_{ТР}$) ўртасидаги турли нисбатларда ГАЭС режим параметрларини аниқлаш дастури (DGU 05155) ишлаб чиқилди.


ГАЭСнинг ТР ва НРдаги характерли режим параметрлари ва иш кўрсаткичлари 2 ва 3 – расмларда келтирилган.

2 ва 3-расмлар ГАЭСнинг ТР ва НРларидаги сув сарфи, напори, қуввати, фойдали иш коэффиценти ва электр энергияси қийматларини босимли қувур диаметри ва ТРдаги сув сарфига боғлиқлиги орқали паст напорли

ГАЭСнинг характерли режим параметрлари ва иш кўрсаткичларини аниқлаш имкони яратади.



2-расм. ГАЭС ТРдаги ишининг асосий характеристикалари




3-расм. ГАЭС НРдаги ишининг асосий характеристикалари

Кичик қувватли ГАЭС яратишнинг ўзига хос хусусиятлари шундаки, у республикадаги аксарият кичик сув оқимларининг кичик дебетини ҳисобга олган ҳолда, чекланган сув ресурслари билан ишлашига тўғри келади.

Шу билан бирга, кичик қувватли ГАЭСда ёки гидроаккумуляцион энергетик қурилмада (ГАЭЖ), таҳлиллар кўрсатганидек, асосий харажатлар сув тўплаш сифимларини яратишга сарфланади. Шунингдек, ГАЭСлардаги каби, ГАЭЖларда ҳисоблаш вазифаларига напорини, сув сарфини, аккумуляторнинг ҳажмини, ТР ва НРда ишлаш вақтини ҳамда ҚТЭМ қувватининг ўзгарувчанлигини ҳисобга олиш зарурлигини аниқлашдан иборат. 4-расмда ГАЭЖ схемаси ва асосий элементлари келтирилган.

Кўриниб турибдики, ГАЭЖда зарядлаш ва зарядсизлантириш жараёнида напор ўзгаради, бу эса НР ва ТРдаги қувватларнинг ўзгаришига олиб келади.



НА – насос агрегати, НР ишлаши учун; ТНА – турбина-насос агрегати, ТР ишлаши учун; 1 – ТНА сўрувчи қуври; 2 – ТНА босимли қуври; 3 – босимли бак; 4 – НА босимли қуври; 5 – задвижка; 6 – агрегатлар учун таянч рама; 7 – НА сўрувчи қуври; 8 – сув қабул қилиш баки; А – бак асослари орасидаги масофа; h_1 ва h_2 – пастки ва юқори бакдаги сув сатҳлар; h_{1H} ва h_{2H} – қурилма ишга туширилишидаги пастки ва юқори бакдаги бошланғич сув сатҳлар; ∇h_1 ва ∇h_2 – пастки ва юқори бакдаги сув сатҳлари ўзгариши; S_1 ва S_2 – пастки ва юқори бак асослари юзаси.

4-расм. ГАЭЖ тузилиш схемаси

ГАЭЖ параметрларини ҳисоблаш вазифасини кўриб чиқамиз ва вазифанинг умумийлигини бузмаган ҳолда, ГАЭЖнинг пастки ва юқори баклари юзалари берилган деб ҳисоблаймиз.

5-расмдан келиб чиқадики, умумий ҳолат учун ТР ва НР учун напорлар қуйидагига тенг:

$$H_{TP} = A + \frac{\alpha}{\zeta} h_{2H} + \frac{Q_{HP} \times \frac{\alpha}{\zeta}}{S_2} - \frac{Q_{TP} \times \frac{\alpha}{\zeta}}{S_2} + \frac{Q_{TP} \times \frac{\alpha}{\zeta}}{S_1} - \frac{Q_{HP} \times \frac{\alpha}{\zeta}}{S_1} h_W^{TP} \quad (6)$$

$$H_{НР} = A + \frac{\alpha}{\zeta} h_{2H} + \frac{Q_{HP} \times \frac{\alpha}{\zeta}}{S_2} - \frac{Q_{TP} \times \frac{\alpha}{\zeta}}{S_2} + \frac{Q_{TP} \times \frac{\alpha}{\zeta}}{S_1} - \frac{Q_{HP} \times \frac{\alpha}{\zeta}}{S_1} h_W^{НР} \quad (7)$$

бунда, h_W^{TP} ва h_W^{HP} - ТР ва НРда босим йўқолиши; t – вақт.

(6) ва (7) формулалардан ТР ($Q_{HP}=0$) ёки НР ($Q_{TP}=0$) ишлаши учун фойдаланиш мумкин.

Бундай ҳолда, ТРдаги сув сарфини Q_{TP} ($Q_{HP}=0$) ва унинг қийматини билган ҳолда, ГАЭҚнинг зарядсизланиш вақти t_{TP} аниқлаш мумкин:


$$Q_{TP} = \frac{S_1 \times S_2 \times (A + h_{2H} - h_{1H} - H_{TP} - h_W^{TP})}{t \times (S_1 + S_2)}; \quad t_{TP} = \frac{S_1 \times S_2 \times (A + h_{2H} - h_{1H} - H_{TP} - h_W^{TP})}{Q_{TP} \times (S_1 + S_2)}. \quad (8)$$

Худди шундай, ГАЭҚнинг НРда ишлаши учун сув сарфи Q_{HP} ва ГАЭҚнинг зарядлаш вақти t_{HP} қуйидагига тенг бўлади:


$$Q_{HP} = \frac{S_1 \times S_2 \times (H_{HP} - A - h_{2H} + h_{1H} - h_W^{HP})}{t \times (S_1 + S_2)}; \quad t_{HP} = \frac{S_1 \times S_2 \times (H_{HP} - A - h_{2H} + h_{1H} - h_W^{HP})}{Q_{HP} \times (S_1 + S_2)}. \quad (9)$$

Олинган боғлиқликлар ва унинг асосида яратилган дастур (DGU 05156) ГАЭҚнинг асосий параметрларини (напор, сув сарфи, қувват, зарядлаш ва зарядсизлантириш вақти), шунингдек, турбинада ишлаб чиқарилган ва насос томонидан истеъмол қилинадиган энергияни ГАЭҚнинг стационар ва ностационар иш режимларида аниқлашга имкон беради.

5 ва 6-расмларда кичик қувватли ГАЭСда қувват ва напорнинг сув сарфига характерли боғлиқлиги кўрсатилган.



5-расм. Стационар режимда ТР қуввати ва напорнинг сув сарфига боғлиқлиги




6-расм. Стационар режимда НР қуввати ва напорнинг сув сарфига боғлиқлиги

5-расмдан кўриниб турибдики, ГАЭҚнинг стационар иш режимида берилган геометрик напор 5,0 м ва ҳар хил сув сарфларида максимал қувват мавжуд. Ушбу муносабатлар насос режимида қувват ва напор эгриликларига ҳам таъсир қилади (6-расм).

Маълумки, кичик қувватли автоном ГАЭСларида ҳаракатланаётган сувни маълум баландликка кўтариш гидротаран (ГТН) ёрдамида “гидравлик зарба” ҳисобига амалга оширилади. ГТНга бўлган қизиқиш, уни кичик сув оқимларида ва кичик қувватли ГАЭСларида сув кўтариш учун ишлатиш имконияти билан боғлиқ.

Шу муносабат билан, ГТНнинг чегаравий гидравлик самарадорлигини ва ФИКни аниқлаш вазифаси кўриб чиқилди.

7-расмда ГТНнинг принципиал схемаси келтирилган, бунда 1–баландлиги H бўлган вертикал озиклантирувчи қувур ва 2 – баландлиги h_0 ва сув массаси m ($m=m_1+m_2$, бунда m_1 –баландлиги Dh бўлган сув устуни массаси ва m_2 – баландлиги h бўлган сув устуни массаси) бўлган максимал сув устунига эга сув ҳайдаш қувури.



7-расм. ГТНнинг принципиал схемаси

Йўқотилишлар бўлмаслигининг чекланган ҳолати учун энергия баланси тенгламасини таҳлил қилиш асосида, ГТНнинг чегаравий гидравлик самарадорлиги h_m учун ифода ҳосил қилинди:

$$h_m = H \cdot x / (3h(1+x)^2) \quad (10)$$

бунда, параметр $x = Dh/h$.


(10) дан келиб чиқадики, $x=1$ да h_m тамомила максимумга эга бўлади

$$h_m = m_1/m = 1/(12(h/H)) \quad (11)$$

Эътибор берамизки, (11) даги m озиклантирувчи қувурда ҳаракатланаётган сув массаси бўлиб, у ҳаракатланаётганда (тушганда) қувур ҳажмининг тахминан 30% ни тўлдиради, яъни $m=m_0/3$, бу ерда m_0 - тўла тўлдирилган озиклантирувчи қувурдаги сув массаси. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, қуйидагини ҳосил қиламиз

$$h_{m0} = m_1/(m_0/3) \gg 1/(4(h/H)) \quad (12)$$

8-расмда h/H га боғлиқ ҳолдаги ГТНнинг гидравлик самарадорликлари h_m ва h_{m0} келтирилган. Амалда ГТНни баҳолаш учун h_{m0} дан фойдаланиш авфзалроқдир, чунки m_0 нинг қиймати одатда маълум ва m_1 ни ГТНнинг бир неча давридаги ўртача қиймати деб олинса, натижада ўртача гидравлик самарадорликни оламиз.



8-расм. ГТНнинг нисбий сув кўтариш баландлиги h/H га боғлиқ чегаравий гидравлик самарадорлиги

ГТНнинг ФИК h m_1 массали сувни h баландликка кўтариш учун сарфланган энергияни озиклантирувчи қувуридаги сувнинг тўлиқ кинетик энергиясига нисбати орқали аниқланади ёки


$$h = m_1 \cdot g \cdot h (x+2) / (m \cdot g \cdot H/3). \quad (13)$$

(13) дан кўринадикки, $x=1$ ёки $Dh=h$ параметрнинг оптимал қиймати учун ГТНнинг чегаравий ФИК h/H нисбатга боғлиқ эмаслиги ва у $h=0.75$ га тенг.

Диссертациянинг «Гидроаккумуляцион электр станция режимида Банки турбинаси ва марказдан қочма насосдан фойдаланиш бўйича экспериментал тадқиқотлар» деб номланган учинчи бобида, ГАЭСнинг

турбина режимда Банки турбинасидан ва марказдан қочма насосдан икки режимда (турбина ва насос) фойдаланиш имкониятларини ўрганиш бўйича экспериментал тадқиқотларнинг методикаси ва натижалари келирилган.


Банки турбинасидан ТРда фойдаланиш имкониятини ўрганиш мақсадида экспериментал тадқиқотлар ўтказилди. Банки турбинасини ТРда тадқиқ қилиш учун экспериментал стенд схемаси 9-расмда келтирилган.



9-расм. Банки турбинасининг ТРдаги характеристикаларини тадқиқ қилиш учун экспериментал стенд схемаси (а) ва кўриниши (б)

- 1–насос; 2–задвижка; 3–босимли қувур; 4–диафрагма; 5–дифманометр;
6–дифманометр жўраги; 7–манометр; 8–Банки гидротурбинали гидроагрегат;
9–гидроагрегат қопқоғи; 10–насоснинг сўриш қузури; 11–бак; 12–вал.

Босим қувурида (3) сув сарфини аниқлаш учун «ULTRASONIC FLOWMETER TDS-100H» сарф ўлчагичи ёрдамида калибровка қилинган дифманометрдан (5) фойдаланилган.




10-расм. Банки турбинали қурилма напори, қуввати ва ФИКни сув сарфига боғлиқлиги

турбинасининг бир мунча содда конструкцияси ва унинг яхши эксплуатацион характеристикаларини ҳисобга олган ҳолда, ГАЭҚ техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш мумкин бўлади.

1,5К-6 марказдан қочма насосининг турбина ва насос режимларида ишлаш хусусиятларини ўрганиш учун, насоснинг ГАЭС режимда ишлашини акс эттирувчи экспериментал стенд яратилди. 11-расмда ГАЭС экспериментал стенди схемаси келтирилган.

Синов натижалари асосида, Банки турбинасининг ТРдаги энергетик ва гидравлик характеристикалари олинди (10-расм). Банки турбинаси сув сарфи 45-50 л/сек гача ва напори тахминан 5 м бўлганда $50 \pm 5\%$ ФИК билан 1,3 кВтгача қувват бериши мумкинлиги аниқланди.

Тадқиқот натижаларидан келиб чиқадики, Банки турбиналаридан паст напорли ГАЭҚларнинг тўрт машинали схемаларида (турбина ва насос агрегатлари алоҳида) фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга, Банк




11-расм. ГАЭС экспериментал стениднн схемаси (а) ва кўриниши (б)

HA1 – КАМ-30 асинхрон электр двигателли 1,5К-6 русумли марказдан қочма насос; HA2 и HA3 – К20/30-У2 русумли марказдан қочма насослар; 1, 2, 3, 4, 5, 6 – задвижкалар; 7– бак; 8 – юпка деворли учбурчак оқова нов; 9 – ўлчаш игнаси; 10 – тинчлантирувчи панжара; 11 – К 505 русумли ўлчов комплекти; 12 – Д-ИММ русумли тахогенератор; 13 – ИД-8 русумли босим датчиги.

ТРда электр двигател асинхрон генератор сифатида ишлатилади ва тармоққа фазаларни алмаштириш билан уланади. Натижаларга кўра, у асинхрон генератор сифатида ишлаганда унинг ФИК тахминан 0,7 га тенг.

1,5К-6 насос ТРда ишлашида напор К20/30-У2 русумли кетма-кет ишлайдиган иккита HA-2 ва HA-3 насослар ёрдамида ҳосил қилинади.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида 1,5К-6 насоснинг НР ва ТРдаги ишчи характеристикалари олинди (12-расм). 12-расмдан ТРдаги напор ва сув сарф қийматлари НРдагига қараганда юқори, НРдаги ФИК эса ТРга қараганда юқори эканлиги кўринади. Бу эса В.Н. Дедков, Фам Ши Хуан, М.А.Хусанов ва бошқа олимларнинг тадқиқотлари натижаларига мос келади.



12-расм. 1,5К-6 насосининг НР ва ТРдаги ишчи характеристикалари

Диссертациянинг “Гидроаккумуляцион электр станциялар ресурс кўрсаткичларини аниқлаш методлари” номли тўртинчи бобида турли қувватлардаги ГАЭСлар иқтисодий, экологик ва ресурс кўрсаткичларининг тадқиқоти натижалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЭЭТда ГАЭСлардан фойдаланиш бўйича ўтказилган SWOT ва PEST таҳлиллари келтирилган.

